

«O'zavtosanoat» акциядорлик жамиятининг Тафтиш комиссияси тўғрисидаги НИЗОМИ¹

1. Умумий қоидалар.

1.1. Тафтиш комиссияси «O'zavtosanoat» акциядорлик жамиятининг (кейинчалик Компания деб номланади) назорат органи ҳисобланиб, Компания Ягона акциядори томонидан сайланади.

1.2. Тафтиш комиссияси Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини ички назорат қилишни амалга оширади.

1.3. Ўз фаолиятида Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Ҳукумат қарорларига, Компания Уставига ва мазкур Низомга амал қилади.

1.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йил ёки бошқа давр учун фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Ягона акциядор ҳамда Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади.

2. Тафтиш комиссиясининг таркиби.

2.1. Тафтиш комиссияси таркиби 5 кишидан иборат. Тафтиш комиссиясини бошқариш раис томонидан амалга оширилади. Тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзолари Ягона акциядор томонидан бир йил муддатига сайланади. Тафтиш комиссиясининг таркиби Ягона акциядор қарорига кура узгартирилиши мумкин.

2.2. Айна бир шахс Компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

2.3. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари.

3.1. Тафтиш комиссияси Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини ва жорий ҳужжатларини йилда камида бир марта текширади.

3.2. Тафтиш комиссияси Компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда Компания Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

3.3. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш жараёнида: молиявий ҳужжатларини текширади, шу жумладан инвентаризациялаш бўйича комиссия ҳужжатларини, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослайди;

юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг таҳлил қилади;

Компаниянинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобиллигини таҳлил қилади, Компаниянинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниқлайди ва Компания бошқарув органларига молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

¹ Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган. Матннинг давлат тилига таржимаси ахборот мақсадлари учун. Агарда ноаниқлик пайдо бўлса, илтимос, Низомнинг асл матнига мурожаат қилинг.

бюджетга тўловлар ўз вақтида ва тўғри амалга ошириладиганини текширади;

солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органларига топшириладиган Компания бухгалтерия баланслари ва ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текширади;

текшириш (тафтиш ўтказиш) бўйича хулоса тузади, улар асосида Компания бошқарувига қонунбузарликни бартараф этиш тадбир-чоралари ҳамда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тугрисида таклифлар бўйича ёзма ҳисоботлар, маълумотномалар тайёрлайди.

4. Тафтиш комиссиянинг ҳуқуқлари ва ваколатлари.

Тафтиш комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

4.1. Компаниянинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан, унинг иши учун зарур бўлган, ўрнатилиши Тафтиш комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган барча ҳужжатларни олиш.

4.2. Бошқарув органлари олдида, амалдаги низомлари, қоидалари ва йўриқномаларини бузган тақдирда Компания ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

4.3. Материаллар натижалари бўйича аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича тегишли таклифлар киритиш.

4.4. Компанияда штат лавозимларини эгалламаган мутахассисларни, Ягона акциядор билан келишилган тақдирда, ўз ишига жалб этиш.

5. Тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари мажбуриятлари.

5.1. Ягона акциядорни эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Компания бошқарув органлари мажлисларида хулосалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш.

5.2. Тафтиш комиссияси ягона акциядорга акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилишига кўпи билан 10 кун қолганда молия ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисоботлар ва баланслар бўйича хулоса тақдим этади.

Жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ҳисоботлар ва жамият бошқа молия ҳужжатларининг тўғрилигига баҳо бериш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошириш пайтида қонунни бузиш фактлари тўғрисидаги ахборот.

5.3. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида Тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳақда у Ягона акциядорни Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Бу ҳолда Ягона акциядор ўзининг вақтдан ташқари қарори билан Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

6. Тафтиш комиссиянинг йиғилишлари.

6.1. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси Мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув

ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилиш қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда Тафтиш комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

6.2. Унда комиссия аъзоларининг камида 50%и иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади. Мажлисида барча Тафтиш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланадиган баённома юритилади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг хулосалари мажлисида қатнашаётган тафтиш комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзоси комиссия қарорига рози бўлмаганида мажлис баённомасида алоҳида фикрини қайд эттиришга ва уни Ягона акциядори эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

6.4. Тафтиш комиссия раиси:

тафтиш комиссия мажлисларини чақириши ва ўтказиши;

тафтиш комиссиясининг кундалик ишини ташкиллаштириши;

Ягона акциядор томонидан қарор қабул қилиниши мобайнида тафтиш комиссиясини ифода қилиши;

тафтиш комиссияси номидан чиқиш ҳужжатларни имзо қилиши.

7. Тафтиш комиссия аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби

7.1. Тафтиш комиссия аъзоларига улар томонидан амалга оширилган иш ва тафтиш (текшириш) биринчи, иккинчи ва учинчи чорак якунлари бўйича тақдим этилган ижобий ҳисоботлар (хулосалар) учун ҳар чорак якуни учун куйидаги ҳолатлардагина ҳақ тўланади:

- аффилиланган ва йирик битимларни уз вақтида расмийлаштирилиши;

- Компания бизнес режа параметрлари бўйича соф фойда қилиниши.

7.2. Тафтиш комиссия аъзоларига улар томонидан амалга оширилган иш ва тафтиш (текшириш) туртинчи чорак якунлари бўйича тақдим этилган ижобий ҳисоботлар (хулосалар) учун куйидаги ҳолатлардагина ҳақ тўланади:

- Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) бўйича тафтиш комиссиясини ҳисоботи ва аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар уз вақтида хулосани тайёрланиши;

- Компания бизнес режа параметрлари бўйича соф фойда қилиниши.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзосига тўланаётган ҳақ миқдори ҳисобот чоракнинг камида 2 ойига энг кам иш ҳақининг 15 баравари ҳар тегишли чорак учун туланади.

8. Тафтиш комиссиясининг жавобгарлиги

8.1. Тафтиш комиссия аъзолари нотўғри хулосалари берганлиги учун Ягона акциядор томонидан белгиланадиган жавобгарлик чораларига қўйиши мумкин.

8.2. Тафтиш комиссия аъзолари тегишли даражада уз мажбуриятларни бажармаган тақдирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгардир.